

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

2023 йил август ойининг 21 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: **Т.К.Юсупов**,

судья ёрдамчиси Б.Турсунматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур туман прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердикиличова, судланувчи А.Ахмаджонов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси, “Mirza Ximoya” адвокатлик бюросининг адвокати М.Кахаров, жабрланувчи Ф.Садиқовларинг иштирокида, Ахмаджонов Акмалжон Пўлатжон ўғлига нисбатан 1-1003-2305/591-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмаджонов Акмалжон Пўлатжон ўғли (Aхmadjonov Akmaljon Po'latjon o'g'li) – 29.10.1993 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо 1-тор кўчаси, 3-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Ахмаджонов, 2023 йил 15 май куни тахминан соат 21:30ларда, бошқарувидаги “Нексия-1” русумли, давлат рақами 01 D 260 YA бўлган автомобилни, бошқариш ҳуқуқини берувчи барча тегишли ҳужжатлари асосида, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган Беруний кўчаси бўйлаб, А.Навоий кўчаси томондан, Озод кўчаси томонга, ўнг четки қаторда 60 км/соат тезликда бошқариб, Беруний ва Сақичмон кўчалари чорраҳасида, йўлда бўлган ҳолатга ва ўзгаришларга эътибор бермасдан, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди г-кичик банди, 77-банди 3-кичик банди ва 103-банди талабларини бузиб, яъни “Ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт”, “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши керак” ва “Светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва катнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёда(лар)га йўл бериши шарт” деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, ҳаракатланиши оқибатида, Беруний кўчасини тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойидан, унга нисбатан чапдан ўнгга қараб,



йўлни кесиб ўтишни тугаллаётган пиёда, Садыков Фазлитдин Норходжаевични автомобиль олди, ўнг ён қисми билан уриб юборган, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида пиёда Ф.Садыков тан жароҳатлари олиб, шифохонага ётқизилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 24.05.2023 йилдаги №3577-Х-Раж-сонли хулосасига кўра, фуқаро Ф.Садыков мазкур йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида “бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия ярим шарлари ўнг чакка бўлаги эпидурал гематомаси ва ўнг пешона-тепа-чакка бўлаги пластинкасимон субдурал гематомаси, ўнг пешона-тепа-чакка суягини чизиқли силжимасдан синиши, ўнг гаймор бўшлиғи деворларини, ўнг ёноқ суягини ва асос суяги катта қанотини силжимасдан синишлари, юз ва бош соҳалари кўплаб юмшоқ тўқималарини лат ейиши, иккала қўл кафт, ўнг оёқ панжа ва чап болдир қонталашлари, чап тизза бўғими, чап ёноқ, ўнг пастки жағ ва ўнг лунж соҳалари шилинмалари, ўнг кўз қовоқлари қонталашлари” каби тан жароҳатлари олган бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра ҳаёт учун хавфли бўлган “Оғир” даражадаги тан жароҳатлари эканлиги аниқланди.

Ўтказилган судга оид автотехник экспертизасининг 03.07.2023 йилдаги №1188 сонли хулосасига кўра, ушбу йўл ҳодисаси шароитида агар пиёда ҳаракатга хавф туғдириб, 8,5 метр масофани 4,4-4,8 км/соат тезликда ҳаракатланиб, ўтган бўлсалар, ҳайдовчи 60 км/соат тезликдаги “Нексия-1” русумли автомашинасини ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлганлиги аниқланди.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Ахмаджонов эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2023 йил 15 май куни тахминан соат 21:30ларда, бошқарувидаги “Нексия-1” русумли, давлат рақами 01 D 260 YA бўлган автомобилни, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида жойлашган Беруний кўчаси бўйлаб, А.Навоий кўчаси томондан, Озод кўчаси томонга, 60 км/соат тезликда бошқариб, ўнг четки қаторда ҳаракатланиб, Беруний ва Сақичмон кўчалари чорраҳасига яқинлашганида, светофорни яшил чироғида чорраҳага ҳаракатланиб кирганлигини ва чорраҳа ўртасига етганида унга нисбатан чапдан ўнгга қараб бир эркак пиёда, яъни Ф.Садыковни эркин юриб ўтаётганлигини кўрганлигини, автомобиль тормозини босганлигини, кейин тормозни қўйиб юбориб автомобиль рулини чапга бурганлигини, лекин барибир пиёдани бошқарувидаги автомобилнинг олди ўнг ён орқани кўриш ойнаси билан, уриб юборганлигини ва пиёдани урган жойидан 2 метрлар ўтиб тўхтаганлигини, ҳодиса оқибатида пиёда тан жароҳатлари олганлигини, у пиёдани бошқарувидаги автомобилга ўтказиб, шифохонага олиб борганлигини, кейин ҳодиса жойига қайтиб келганлигини, ҳодиса жойида ЙҲХБ ходимлари уни кўрсатмаларига кўра чизма чизиб, ҳужжатлар расмийлаштиришганлигини, ҳозирда иш фаолияти ҳайдовчилик билан боғлиқлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, ҳайдовчилик гувоҳномаси унга кераклигини, тирикчилик манбаи ҳайдовчилик орқасиданлигини баён қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи А.Ахмаджонов ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг айби қуйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ф.Садыков қуйидагиларни, яъни у 2023 йил 15 май куни тахминан соат 20:00ларда, у дўсти Баходир билан Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида жойлашган Бешёғоч кўчасидаги кафеда кўришиб, тушлик қилганлигини, кафеда тушлик қилаётган вақтида иккита 0,5 литрли бутилкада пива ичганлигини, овқатланиб тўқ қоринга



пива ичганлиги сабабли у кайф бўлмаганлигини, шундан сўнг дўсти билан хайрлашиб, тахминан соат 21:30ларда, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туманида жойлашган Беруний ва Сақичмон кўчалари чорраҳасига келганлигини, Беруний кўчасини Сақичмон кўчаси томонга қараб тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойидан юриб, пиёдаларга нисбатан светофорнинг яшил чироғида йўлни кесиб ўта бошлаганлигини, у йўл қатнов қисimini кесиб ўтишни тугаллашига 1-2 қадам қолганида, унга нисбатан ўнг томондан ҳаракатланиб келган ҳайдовчи А.Ахмаджонов бошқарувидаги “Нексия-1” русумли, давлат рақами 01 D 260 YA бўлган автомобилда уни уриб юборганлигини, ҳодиса оқибатида у тан жароҳатлари олганлигини, ҳайдовчи ёрдамида шифохонага олиб борилганлигини, бош қисмида жарроҳлик амалиётини ўтказганлигини, шу кунга қадар тахминан 30.000.000 сўм дори-дармон ва бошқа харажатлари учун сарф харажат қилганлигини, лекин сарф харажатларини тегишли ҳужжатларини судга тўлиқ тақдим қилолмаглигини, суддан унга нисбатан етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Бундан ташқари судланувчи А.Ахмаджоновнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ҳамда фотожадвал, юзлаштириш баённомалари, судга оид тиббиёт экспертизасининг 24.05.2023 йилдаги №3577-Х-Раж-сонли хулосаси, ўтказилган судга оид изшунослик экспертизасининг 17.06.2023 йилдаги №1031 сонли хулосаси, ўтказилган судга оид автотехник экспертизасининг 03.07.2023 йилдаги №1188 сонли хулосаси ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Судланувчи А.Ахмаджоновнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми, яъни *“транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши”* аломатлари билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Ахмаджоновга жазо тури ва миқдорини белгилашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оиласини ягона боқувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Шунингдек, суд судланувчи А.Ахмаджоновга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оиласини ягона боқувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини инobatга олиб, унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарорининг 48-банди биринчи хатбошисида *“Судларга муайян фаолият*



билан шузулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони, тегишли асослар мавжуд бўлган ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу фаолият касб ёки тирикчилик манбаи бўлган шахсларга нисбатан (масалан, транспорт воситаларини бошқариш ва ҳ.к.) қўллашнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиш тавсия этилган” деб тушунтириш берилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда суд, судланувчи А.Ахмаджоновнинг оилавий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси бўлиб, иш фаолияти, тирикчилик манбаи ҳайдовчилик билан боғлиқлигини, унга ҳайдовчилик гувоҳномаси зарурлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўлламасликни лозим топади.

Шунингдек, суд судланувчи А.Ахмаджоновдан жабрланувчи Ф.Садыковнинг фойдасига бош қисмида жарроҳлик амалиётини ўтказганлигини инобатга олиб, 10.000.000 сўм моддий зарарни ундиришни белгилашни лозим топади.

Суд, манфаатдор тарафларга судланувчидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига асосан суд ҳукм қилади,

Ҳ У К М:

Ахмаджонов Акмалжон Пўлатжон ўғли (Axmadjonov Akmaljon Po'latjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ахмаджонов Акмалжон Пўлатжон ўғли (Axmadjonov Akmaljon Po'latjon o'g'li)га Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг **20 фоизи** миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **2 (икки) йил** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросининг назорати А.Ахмаджоновнинг яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ бўлимининг зиммасига юклатилиб, жазо умумий асосларда шу турдаги жазоларни ижросини таъминловчи бўлими томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Ахмаджоновга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Судланувчи Ахмаджонов Акмалжон Пўлатжон ўғлидан жабрланувчи Садыков Фазлитдин Норходжаевичнинг фойдасига етказилган жами 10.000.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Манфаатдор томонларга моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Апелляция шикоятни ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, туман суди орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига берилиши мумкин..

Раислик қилувчи: имзо
Нусха аслига тўғри, судья:

